

Муаллиф:

Шайх имом Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Иброҳим аз-Заририй
Қўҳандазий

www.arabic.uz

ضریبی

ЗАРИРИЙ КИТОБИ

(АРАБ ТИЛИ НАҲВ ДАРСЛИГИ)

Таржимон:
Анвар Аҳмад

Тошкент-2010

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Абулҳасан Али ибн Мұхаммад ибн Иброҳим Ҳумайдиддин аз-Зарийрий Құхандазий бўлиб, Бухорога қарашли Ромуш қишлоғида дунёга келганлар. У зот Ҳанафий мазҳаби уламоларидан бўлиб, имом, фақих, усул олими, аruz илми соҳиби, мұхаддис зотлардан бўлганлар. Шамсул аимма ал-Курдий қўлида фикҳни ўргандилар. У зотни қўлларида эса “Канз” соҳиби Ҳофизиддин Нафсий фикҳ ўргандилар. Ҳумайдиддин аз-Зарир Мовароуннахрдаги илм пешволаридан бири эдилар. Тасниф этган китобларидан “Аруз китоби”, “Фавоид”, “Ҳидояга ҳошия”, “Шархи манзума насафийя”, “ал-Манофиъ фий фавоидун навофиъ”, “ал-Фиқхун нофеъ” китобига ҳошия ва “Шархи жомиъул кабийр”лар ўрин олган.

Бу зот 420-ҳижрий сана атрофида вафот этганлар. Имом Ҳофизиддин Насафий у зотга жаноза намози ўқиганлар. Жанозаларида 50 минг киши иштирок этган.

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَالْعَاقِبةُ لِلْمُتَّقِينَ وَالصَّلَاوَةُ عَلَى رَسُولِهِ مُحَمَّدٍ وَآلِهِ أَجْمَعِينَ. قَالَ الشَّيْخُ الْإِمَامُ الْأَجْلَاءُ أَبُو الْحَسَنِ عَلَيْهِ
 بْنُ مُحَمَّدٍ بْنِ إِبْرَاهِيمَ الصَّرِيرِيِّ الْفَهْنَدِيِّ رَحْمَةُ اللَّهِ عَلَيْهِ.
 اعْلَمُ أَنَّ كَلَامَ الْعَرَبِ يَنْقَسِمُ عَلَى ثَلَاثَةِ أَقْسَاطٍ. اسْمٌ وَفِعْلٌ وَحِرْفٌ جَاءَ لِمَعْنِي فَالإِسْمُ زَيْدٌ وَفَرْسٌ وَحَجْرٌ وَخَوْهٌ. وَالْفِعْلُ قَامٌ
 يَقُوْمُ، وَقَعْدٌ يَقْعُدُ وَخَوْهٌ. وَالْحِرْفُ مِنْ وَعْنٍ وَإِلَيْ وَهَلَنْ وَبَلَنْ وَخَوْهٌ. وَعَلَامَةُ الْإِسْمِ الْجُنُرُ وَالشَّتْوَيْنُ وَالإِضَافَةُ وَالْأَلْفُ وَاللَّامُ. وَعَلَامَةُ
 الْفِعْلِ مَا يَحْتَمِلُ طَرِيقَ الزَّمَانِ أَوْ أَخْدَهُمَا. وَعَلَامَةُ الْحِرْفِ خُلُوْهٌ عَنْ عَلَامَةِ الْإِسْمِ وَالْفِعْلِ.

Бутун оламлар робби Аллоҳга ҳамд бўлсин. Оқибат тақвадорларницидир. Расулимиз Мұхаммад алайхиссаломга ва у зотнинг оиласаларига салавоту дурудлар бўлсин. Шайх имом Абулҳасан Али ибн Мұхаммад ибн Иброҳим аз-Зарий Құхандазий (р.а.) айтадилар.

Билгин, араблар сўзи уч қисмга бўлинади. Исм, феъл ва ҳарф.

Исмга мисол: زَيْدٌ، فَرْسٌ، حَجْرٌ ва ҳоказо.

Феълга мисол: قَامٌ، يَقُوْمُ، قَعْدٌ، يَقْعُدُ: ва ҳоказо.

Ҳарфга мисол: مِنْ، عَنْ، إِلَيْ، هَلَنْ، بَلَنْ: ва ҳоказо.

Исмнинг аломатлари – жор, танвин, изофа, алиф ва лом.

Феълнинг аломатлари – замоннинг икки томони эҳтимоли бор ёки бир томони эҳтимоли бор бўлиши, яна ҳам аниқроғи замонга далолат қилишидир.

Ҳарф аломатлари – исм ва феъл аломатларидан холи бўлишидир.

فَصْلٌ*

إِعْرَابٌ عَلَى أَرْبَعَةِ أُوْجَهٍ: رُفْعٌ وَنَصْبٌ وَخَفْضٌ (جَرٌ) وَجَزْمٌ. وَعَالَمَةُ الرُّفْعِ فِيهِ ضَمَّةُ الدَّالِ. وَالنَّصْبُ رَأْيُتُ زَيْدًا أَوْ نَحْوَهُ، وَعَالَمَةُ النَّصْبِ فِيهِ فَتْحُ الدَّالِ. وَالخَفْضُ (الجَرُّ) مَرْتُ بِزَيْدٍ وَنَحْوَهُ. وَعَالَمَةُ الْخَفْضِ فِيهِ كَسْرَةُ الدَّالِ. وَالجَزْمُ لَمْ يَفْعَلْ وَنَحْوَهُ. عَالَمَةُ الجَزْمِ فِيهِ سُكُونُ الْلَّامِ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "وَمَمْ يَجْعَلُ لَهُ عِوْجَانًا".

Фасл

Эъроб тўрт кўринишда бўлади. 1. Рафъ 2. Насб 3. Жор 4. Жазм
 Рафъ – Мада зидд – Бу ердаги рафъ аломати дол ҳарфидаги заммадир.
 Насб – Райт зидд – Бу ердаги насл аломати дол ҳарфидаги фатҳадир.
 Жор – Марзт зидд – Бу ердаги жор аломати дол ҳарфидаги касрадир.
 Жазм – Лем яфнун – Бу ердаги жазм аломати лом ҳарфидаги сукундир.
 Жазмга, Аллоҳнинг қуидаги сўзи далил бўлади. وَمَمْ يَجْعَلُ لَهُ عِوْجَانًا.

فصل

الرُّفْعُ وَالنَّصْبُ يَدْخُلَانِ عَلَى الْأَسْمَاءِ وَالْأَفْعَالِ جَمِيعًا. وَالخَفْضُ يَخْتَصُّ بِالْأَسْمَاءِ دُونَ الْأَفْعَالِ. وَالجَزْمُ يَخْتَصُّ بِالْأَفْعَالِ دُونَ الْأَسْمَاءِ. فَلَيْسَ فِي الْأَسْمَاءِ جَزْمٌ، وَلَا فِي الْأَفْعَالِ خَفْضٌ (جَرٌ)

Фасл

Рафъ ва насл исм ва феълларда бир хил иштирок этади. Жор эса феълга хос бўлмасдан балки исмга хосдир. Жазм эса, исмга хос бўлмасдан фақат феълга хосдир. Демак исмлар жазм бўлмайди. Феъллар эса жор бўлмайди.

فصل

وَلَيْسَ يَعْرِبُ مِنَ الْكَلَامِ كُلِّهِ إِلَّا إِلَيْهِ الْإِسْمُ الْمُتَمَكِّنُ وَالْفَعْلُ الْمُضَارِعُ. فَإِلَيْسُمُ الْمُتَمَكِّنِ نَحْوُ زَيْدٍ، وَفَرَسٌ، وَحَجَرٌ. وَالْفَعْلُ الْمُضَارِعِ نَحْوُ يَضْرِبُ، وَيَدْهُبُ، وَيَكْتُبُ وَسَائِرُ الْكَلَامِ. مَبْنِيٌّ لَا يَتَعَيَّنُ آخِرُهُ بِدُخُولِ الْعَوَامِلِ عَلَيْهِ نَحْوُ ضَرَبَ، كَيْفَ، أَيْنَ، نَحْنُ، حَيْثُ، مُدْ، مُنْدُ، مِنْ، عَنْ، هُؤُلَاءِ، أَمْسِ، وَمَا أَشْبَهَهَا.

Фасл

Каломнинг барчаси ҳам эъробланавермайди. Фақат мутамаккин (ўзгарувчи) бўлган исм ва феъли музореъларгина эъробланиб, охири ўзгаради.

Исм мутамаккин – زىدُ، وفرسُ، وحَجَرٌ каби сўзлардир.

Феъли музореъ – يَضْرِبُ، وَيَدْهَبُ، وَيَكْتُبُ каби сўзлардир.

Мабний эса, охирига ўзгартиришга сабаб бўлувчи омиллар кирса хам ўзгармайдиган нарсага айтилади. ضَرَبَ، كَيْفَ، أَيْنَ، نَحْنُ، حَيْثُ، مُدْ، مُنْدُ، مِنْ، عَنْ، هَؤُلَاءِ، أَمْسِ кабиларга ўхшаш.

فصل

الإِعْرَابُ يَلْزَمُ آخِرَ الْكَلِمَةِ دُونَ أَوْلَمَا وَأَوْسَطَهَا. فَالإِسْمُ يَسْوَءُونَ وَالْفَعْلُ لَا يُسْوَءُونَ وَالإِسْمُ يُضَافُ وَالْفَعْلُ لَا يُضَافُ وَالإِسْمُ يُصَغَّرُ وَالْفَعْلُ لَا يُصَغَّرُ وَالإِسْمُ يُشَدُّ وَيُجْمَعُ وَالْفَعْلُ لَا يُشَدُّ وَلَا يُجْمَعُ وَالإِسْمُ يَدْخُلُ الْأَلْفَ وَاللَّامُ وَالْفَعْلُ لَا يَدْخُلُ الْأَلْفَ وَاللَّامُ وَالْفَعْلُ يَنْجَزُ وَالإِسْمُ لَا يَنْجَزُ وَالْفَعْلُ يَنْجَزُ وَالإِسْمُ يُرَحَّمُ وَالْفَعْلُ لَا يُرَحَّمُ فَرَّقًا بَيْنَ إِعْرَابِ الإِسْمِ وَبَيْنَ إِعْرَابِ الْفَعْلِ وَبَيْنَ مَا يَنْصَرِفُ وَبَيْنَ مَا لَا يَنْصَرِفُ.

Фасл

Эъробланиш калиманинг аввали ҳамда ўртасида содир бўлмай балки охирида содир бўлади. Яъни ўзгарадиган бўлса, охири ўзгаради. Исмда танвин бўлади. Феълда эса танвин бўлмайди. Исм музоф бўлади. Феъл эса музоф бўлмайди. Исм тасфир қилинади. Феъл эса тасфир қилинмайди. Исмга алиф ва лом киради. Феълга эса алиф ва лом кирмайди. Феъл жазм бўлади. Исм жазм бўлмайди. Исм жор бўлади. Феъл жор бўлмайди. Исм тархим (қисқартма) бўлади. Феъл эса тархим бўлмайди. Исм эъроби билан феъл эъроби ҳамда улар сарф бўлиши билан сарф бўлмаслик орасида фарқ бордир.

فصل

وَإِذَا نَنَيَّتِ الْإِسْمَ الْمَرْفُوعَ زِدْتَ فِي آخِرِهِ أَلْفًا وَتُوْنَا كَفَوْلَكَ جَاءَنِي الرَّيْدَانِ، وَعَلَامَةُ الرِّفْعِ فِيهِ الْأَلْفُ وَالثُّوْنُ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "قَالَ رَجُلَانِ". وَإِذَا نَنَيَّتِ الْإِسْمَ الْمَنْصُوبَ وَالْمَخْرُورَ وَزِدْتَ فِي آخِرِهِ يَاءً وَتُوْنَا وَفَتَحْتَ مَا قَبْلَ الْيَاءِ كَفَوْلَكَ: رَأَيْتَ الرَّيْدَانِ وَمَرْزُتُ بِالرَّيْدَانِ، وَعَلَامَةُ النَّصْبِ وَالْجُنُّرِ فِيهِمَا الْيَاءُ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى فِي النَّصْبِ: "فَكَانَ أَبْوَاهُ مُؤْمِنِينَ". وَفِي الْحُفْضِ: "كَانَتَا تَحْتَ عَنْدَيْنِ مِنْ عِبَادِنَا صَالِحِينَ".

Фасл

Агар марфуъ исмни тасния қилсанг охирига алиф ва нунни зиёда қиласан. Худди "икки Зайд ҳузуримга келди", деб айтганинг каби. Бу ерда рафъ аломати алиф ва нундир. Аллоҳнинг сўзидағи деб

айтилган сўз ҳам бунга далил бўлади. Агар мансуб ва мажрур исмни тасния қилсанг охирига "йо" ва "нун"ни зиёда қилиб, "йо"дан олдинги ҳаракатни фатҳа қиласан. "Икки Зайдни кўрдим" ва "Икки Зайдни олдидан ўтдим". Бу ерда насл ва жор аломати "йо"дир. Аллохнинг сўзидағи мана бу эса наслга далилдир. فَكَانَ أَبُوهُ مُؤْمِنِينَ.

Куйидаги оят эса, жорга далилдир. كَانَتْ تَحْتَ عَبْدَيْنِ مِنْ عِبَادِنَا صَالِحِيْنَ.

فصل

إِذَا جَمِعْتَ إِلَيْهِ الْمَرْفُوعَ زِدْتَ فِي آخِرِهِ وَأَوْنَانِ وَضَمَّنْتَ مَا قَبْلَهُ وَأَوْ كَفَولَكَ هُؤُلَاءِ الرَّيْدُونَ وَعَلَامَةُ الرَّفْعِ فِيهِ الْوَأْوَى، قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "لَا يَتَسْخِدُ الْمُؤْمِنُونَ الْكَافِرِينَ أُولَيَّاهُ".
وَإِذَا جَمِعْتَ إِلَيْهِ الْمَنْصُوبَ أَوِ الْمَخْرُورَ زِدْتَ فِي آخِرِهِ بَاءَ وَأَوْنَانِ وَكَسَرْتَ مَا قَبْلَهُ، كَفَولَكَ رَأْيُتُ الرَّيْدُونَ وَمَرْزُتُ بِالرَّيْدُونَ وَعَلَامَةُ النَّصْبِ وَالْجُرْجُورِ فِيهِمَا الْيَاءُ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى فِي النَّصْبِ: "إِنَّ الْمُسْلِمِينَ وَالْمُسْلِمَاتِ". وَفِي الْحُفْضِ: "وَكَانَ بِالْمُؤْمِنِينَ رَحِيمًا".

Фасл

Агар марфуз исмни жамъ қилсанг "вов" ва "нун" зиёда қилиб, "вов"дан олдинги ҳаракатни замма қиласан. "Хўя" анавилар Зайдлар", деб айтган сўзингга ўхшаш. Бу ерда рафъ аломати "вов" дир. Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи бунга далил бўлади. Мўминлар кофирларни дўст тутмайди. Агар мансуб ёки мажрур исмни жамъ қилсанг охирига "йо" ва "нун" зиёда қилиб, "йо"дан олдинги ҳаракатни касра қиласан. "Райт рибайн өмрот бароздиган". "Зайдларни кўрдим" ва "Зайдларни" олдидан ўтдим", деб айтган сўзингга ўхшаш.

Бу ерда насл ва жор аломати "йо"дир. Аллохнинг сўзидағи мана бу эса наслга далилдир. إِنَّ الْمُسْلِمِينَ وَالْمُسْلِمَاتِ

Куйидаги эса жорга далилдир. وَكَانَ بِالْمُؤْمِنِينَ رَحِيمًا.

فصل

وَنُونُ الشَّتَّيْنِيَةُ مَكْسُوْرَةٌ أَبَدًا. وَنُونُ جَمْعِ السَّلَامَةِ مَفْتُوْخَةٌ أَبَدًا وَهُمَا تَسْقُطَانِ عِنْدَ الإِضَافَةِ كَفَولَكَ: عَلَامَاتُ وَصَالِحُوكَ وَبُنُوكَ.
قال الله تعالى: "يَا بَنِي إِسْرَائِيلُ". فَخُذِلَ النُّونُ مِنْ بَنِي لِلإِضَافَةِ وَكَانَ فِي الْأَصْلِ بَنِيَنَ وَالشَّتَّيْنِيَنَ أَيْضًا تَسْقُطُ عِنْدَ الإِضَافَةِ وَمَعَ الْأَلْفِ وَاللَّامِ. كَفَولَكَ عَلَامَاتُ وَالغَلَامُ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "إِنِّي عَبْدُ اللَّهِ". وَقَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "وَالبَّلْدُ الطَّبِيبُ". وَيَبْتَئِثُ الشَّتَّيْنِيَنَ بِسُقْوَطِ الْأَلْفِ وَاللَّامِ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "رَبِّ اجْعَلْ هَذَا بَلَدًا آمِنًا".

Фасл

Тасниянинг нуни абадий касралидир. Соғлом жамънинг нуни абадий фатҳадир. Ушбу икки нун изофа пайтида тушириб юборилади.

"Сенинг хизматкор боланг", "Сени солиҳ кишинг" ва "Сени болаларинг", деб айтган сўзингга ўхшаш.

Аллоҳ таолонинг сўзида эса: *بِنِي إِسْرَائِيلَ* дейилгани мисол бўлади. Ушбу жумладаги сўзидан нун ҳарфи изофа бўлгани учун тушириб юборилган. Аслида *بَنِينَ* бўлган. Изофа бўлган пайтда танвин ҳам алиф ва лом ҳам тушириб юборилади. "Гламак и глаам" "Сенинг хизматкор боланг" ва "бир хизматкор бола", деб айтган сўзингга ўхшаш.

Аллоҳ таолонинг сўзида эса *إِنَّ الْأَرْضَ يَرِثُهَا عِبَادُهَا* деб айтилгани далил бўлади. Агар алиф ва лом тушиб кетса, нун событ қолади.

Аллоҳнинг деб айтган сўзи далил бўлади.

فصل

إِعْلَمْ أَنَّ الْجَمْعَ جَمْعَ حَمَانِ: جَمْعُ السَّلَامَةِ وَجَمْعُ التَّكْسِيرِ. فَأَمَّا جَمْعُ السَّلَامَةِ فَهُوَ مَا يَسْلَمُ لَفْظُ الْوَاحِدِ، وَيُجْمَعُ عَلَى هِجَائِينِ مَرَّةً عَلَى الْوَالِي وَالْبُوْنِ وَمَرَّةً عَلَى الْيَاءِ وَالْتُّونِ. كَعْوِلَكَ: الرَّبِيدُونَ وَالرَّبِيدِينَ، وَهَذَا جَمْعٌ لِمَنْ يَعْقِلُ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "أَنَّ الْأَرْضَ يَرِثُهَا عِبَادُهَا الصَّالِحُونَ". وَقَالَ عَزَّ وَجَلَّ: "وَالصَّالِحِينَ مِنْ عِبَادِكُمْ وَإِمَائِكُمْ". وَأَمَّا جَمْعُ التَّكْسِيرِ فَهُوَ مَا يَنْكِسُرُ فِيهِ لَفْظُ الْوَاحِدِ وَبِنَاؤُهُ. كَعْوِلَكَ: رَجُلٌ - رِجَالٌ، حَجَرٌ - أَحْجَارٌ، شَيْطَانٌ - شَيَاطِينٌ، سُلْطَانٌ - سَلَاطِينٌ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "وَاتَّبَعُوا مَا تَشْلُو الشَّيَاطِينُ". فَرَفِيعُ الشَّيَاطِينُ، لَأَنَّهُ فَاعِلٌ وَعَلَامَةُ الرَّئِسِ فِيهِ ضَمَّةُ التُّونِ.

Фасл

Билгинки, жамъ (кўплик) икки хил бўлади.

1. Соғлом жамъ 2. Синик жамъ.

Соғлом жамъ – жамъга айлантирилганида бирлик лафзи соғлом қолган нарсадир. Демак бирликни жамъга айлантирилганида гоҳида (сўзнинг охирига) "вов" ва "нун" гоҳида эса "йо" ва "нун" зиёда қилинади. *الرَّبِيدُونَ وَالرَّبِيدِينَ* деб айтганинг каби. Ушбу жамъ ақли бор оқиллар учундир. Аллоҳ таолонинг яна *وَالصَّالِحِينَ مِنْ عِبَادِكُمْ وَإِمَائِكُمْ* деб айтган сўзи бунга мисол бўлади.

Синик жамъ – жамъга айлантирилганида бирлик лафзи ва биноси синиб (яъни, ўша сўзга ташқаридан бирор ҳарф кириб ёки ўзини бирор ҳарфи тушиб) қолган нарсадир.

РҶал – رҶال، حجр – أَحْجَارٌ، شَيَاطِينٌ، سُلْطَانٌ – سَلَاطِينٌ

Аллоҳнинг қуидаги сўзи рафъ ўқилди, чунки у фоилдир. Бу ерда рафъ аломати "нун"ни замма бўлишидир.

في المذكّر

الحالَةُ الْإِعْرَابِيَّةُ	مُفْرَدٌ	تَسْنِيَةٌ	جَمْعُ الْمَذْكُورِ
مَرْفُوعٌ: ←	مُعَلِّمٌ (الضَّمَّةُ)	هَذَا مُعَلِّمٌ (أَلْفُ)	هُؤُلَاءِ مُعَلِّمُونَ (وَ)
مَنْصُوبٌ: ←	مُعَلِّمًا (الفَتْحَةُ)	رَأَيْتُ مُعَلِّمِينَ (يِ)	رَأَيْتُ مُعَلِّمًينَ (يِ)
مَجْرُورٌ: ←	مُعَلِّمٍ (الْكَسْرَةُ)	مَرَرْتُ بِمُعَلِّمِينَ (يِ)	مَرَرْتُ بِمُعَلِّمًينَ (يِ)

في المؤنَّث

الحالَةُ الْإِعْرَابِيَّةُ	مُفْرَدٌ	تَسْنِيَةٌ	جَمْعُ الْمُؤنَّثِ
مَرْفُوعٌ: ←	مُعَلِّمَةٌ (الضَّمَّةُ)	هَاتَانِ مُعَلِّمَاتٍ (أَلْفُ)	مُعَلِّمَاتٌ (الضَّمَّةُ)
مَنْصُوبٌ: ←	مُعَلِّمَةً (الفَتْحَةُ)	رَأَيْتُ مُعَلِّمَاتٍ (يِ)	رَأَيْتُ مُعَلِّمَاتٍ (يِ)
مَجْرُورٌ: ←	مُعَلِّمَةٍ (الْكَسْرَةُ)	مَرَرْتُ بِمُعَلِّمَاتٍ (يِ)	مَرَرْتُ بِمُعَلِّمَاتٍ (يِ)

فصل

وَسَيَّهُ أَسْمَاءٍ مُعْتَلَةً مُضَافَةً إِلَى عَيْرِ يَاءِ الْمُتَكَلِّمِ، رُفِعَتْ بِالْأَلِفِ وَنَصَبُهَا بِالْأَلِفِ وَخَفَضُهَا (جُرْهَا) بِالْيَاءِ. وَهِيَ: أَبُوكَ، وَأَخُوكَ، وَحُمُوكَ، وَهُنُوكَ، وَفُوكَ، وَذُومَالٍ. تَقُولُ فِي الرَّفْعِ هَذَا أَبُوكَ وَعَلَامَةُ الرَّفْعِ فِيهِ الْوَao. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "قَالَ أَبُوهُمْ". وَفِي النَّصْبِ رَأَيْتُ أَبَاكَ وَعَلَامَةُ النَّصْبِ فِيهِ الْأَلِفُ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "إِنَّ أَبَانَا لَفِي ضَلَالٍ مُبِينٍ". وَفِي الْخَفْضِ (الْجُرْهِ): مَرَرْتُ بِأَبِيكَ وَعَلَامَةُ الْخَفْضِ فِيهِ الْيَاءُ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "إِرْجَعُوا إِلَيْ أَبِيكُمْ" وَكَذَلِكَ أَخْوَاهُمُهَا.

Фасл

Мутакаллимнинг “йо”си бўлмасдан “йо”га изофа қилинган олти исм борки, уларнинг рафъ ҳолатини “вов” билан, насб ҳолатини “алиф” билан, жор ҳолатини “йо” билан биламиз.

Улар: أَبُوكَ، وَأَخُوكَ، وَحُمُوكَ، وَهُنُوكَ، وَفُوكَ، وَذُومَالٍ лардир.

(Баъзи китобларда ھنۋەк ни қүшмасдан, уларни “асмои хамса” яъни беш исм, деб номланади). Рафъ ҳолатида: ھىدا آبۇك، деб айтасан. Бу ерда рафъ аломати “вов”дир. Аллох таоло Қуръонда: “قَالَ أَبُوهُمْ ”, деб айтган.

Насбда رأيُتْ أَبَاكَ деб айтасан. Бу ерда насб аломати “Алиф”дир. Аллох таоло Қуръонда: “إِنَّ أَبَانَا لَغَيْ ضَلَالٍ مُّبِينٍ ”, деб айтган.

Жорда مَرَرْتُ بِأَبِيكَ деб айтасан. Бу ерда жор аломати “йо”дир. Аллох таоло Қуръонда: “إِرْجَعُوكُمْ إِلَيَّ أَبِيكُمْ ”, деб айтган.

Колган қисмлари ҳам әбүк қандай бўлса шундай бўлади.

أسماء الستة:

في الرفع ←	أَبُوكَ	أَخُوكَ	أَبُوكَ	أَخُوكَ	فُوكَ	ذُوكِيلٌ
في النصب ←	أَبَاكَ	أَخَاكَ	أَبَاكَ	أَخِيكَ	فَاكَ	ذَاماً
في الجر ←	أَبِيكَ	أَخِيكَ	أَبِيكَ	أَخِيكَ	فِيكَ	ذِي مَالٍ

فصل

وَهُمْ سَهُّةٌ أَمْثَالٌ مِّنَ الْأَفْعَالِ الْمُسْتَقْبَلَةِ رَفِعُهَا يُتَبُوتُ التُّونُ وَتَصْبِحُهَا وَجْرُهَا بِسُقْوَطِ التُّونِ. وَهِيَ: يَعْلَمُونَ وَيَفْعَلُونَ وَتَفْعَلَانِ وَتَفْعُلُونَ وَتَفْعَلِينَ. تَقُولُ فِي الرَّفِيعِ: هُمَا يَعْلَمُونَ، وَهُمْ يَفْعَلُونَ. وَعَلَامَةُ الرَّفِيعِ فِيهِ ثُبُوتُ التُّونِ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: ”وَهُمْ يَعْلَمُونَ أُورَارَهُمْ عَلَى ظُهُورِهِمْ ”.

فِي النَّصْبِ: لَكُمْ يَفْعَلَا، وَلَكُمْ يَعْلَمُوا، وَلَكُمْ يَفْعَلُوا، وَلَكُمْ يَعْلَمُوا وَلَكُمْ تَفْعِلِي. وَعَلَامَةُ النَّصْبِ وَالْجُزْمِ فِيهِمَا سُقْوَطُ التُّونِ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: ”فَإِنْ لَمْ تَفْعَلُوا وَلَنْ تَفْعُلُوا”. أُسْقِطَتِ التُّونُ مِنْ لَكُمْ تَفْعَلُوا لِلنَّصْبِ، وَمِنْ لَكُمْ تَفْعَلُوا لِلْجُزْمِ. وَكَذَلِكَ أَخْوَاهُمْ.

Фасл

Келаси замон феълида беш мисол борки, уларнинг рафъ ҳолатини нунни қолиши билан, насб ва жазм ҳолатини эса нунни тушиб кетиши билан билиб оламиз. Улар: يَعْلَمُونَ وَيَفْعَلُونَ وَتَفْعَلَانِ وَتَفْعُلُونَ وَتَفْعَلِينَ.

Рафъ ҳолатида: هُمَا يَفْعَلُوا، وَهُمْ يَفْعَلُونَ деб айтилади. Бу ерда рафъ аломати нунни қолишидир. Аллох таолонинг қуидаги сўзи бунга далил бўлади. وَهُمْ يَعْلَمُونَ أُورَارَهُمْ عَلَى ظُهُورِهِمْ .

Насб ва жазм ҳолатида: لَكُمْ يَفْعَلُوا، وَلَكُمْ يَعْلَمُوا، وَلَكُمْ يَفْعَلُوا، وَلَكُمْ تَفْعِلِي. Бу ердаги насб ва жазм аломати нунни тушиб кетишидир.

Аллох таолонинг қуидаги сўзи бунга далил бўлади. ”فَإِنْ لَمْ تَفْعَلُوا وَلَنْ تَفْعُلُوا“

Бу дан насб бўлгани учун нун туширилди. Шуни сингари у каби амални бажарган ахавотлар ҳам шу ишни бажаради.

الإعراب في الأفعال المضارع

الحالة الإعرابية	مُجَرْأَةٌ (الحذف التاء)	مُفْرَدٌ	تَشْكِيدٌ (الأفعال الحمسة)	جَمْعٌ (الأفعال الحمسة)
مَرْفُوعٌ: ←	يَكْتُبُ (الضمة)	يَكْتُبُ (ثُبُوتُ التُّون)	يَكْتُبُونَ (ثُبُوتُ التُّون)	أَنْ يَكْتُبُوا (آخِرُ التُّون)
مَنْصُوبٌ: ←	أَنْ يَكْتُبَ (الفتحة)	أَنْ يَكْتُبَا (حَذْفُ التُّون)	أَنْ يَكْتُبُونَ (ثُبُوتُ التُّون)	أَنْ يَكْتُبُوا (آخِرُ التُّون)
مَجْزُومٌ: ←	مَمْ يَكْتُبُ (السُّكُون)	مَمْ يَكْتُبَا (حَذْفُ التُّون)	مَمْ يَكْتُبُونَ (ثُبُوتُ التُّون)	مَمْ يَكْتُبُوا (آخِرُ التُّون)

فصل

وَكُلُّ فِعْلٍ مُسْتَقْبَلٍ فِي آخِرِهِ وَأَوْ أَوْ يَاءُ . حَوْ: يَدْعُو وَيَرْمِي، فَرْفَعَهُ سُكُونٌ آخِرٍ وَنَصْبُهُ بِفَتْحٍ آخِرٍ وَحَرْمَهُ بِسُقُوطٍ آخِرٍ.
 تَقُولُ فِي الرَّفْعِ: هُوَ يَدْعُو وَيَرْمِي . وَعَلَامَةُ الرَّفْعِ فِيهِمَا سُكُونٌ آخِرٍ . قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "وَاللَّهُ يَدْعُو إِلَى دَارِ السَّلَامِ" .
 وَفِي النَّصْبِ: لَنْ يَدْعُو، وَلَنْ يَرْمِي . وَعَلَامَةُ النَّصْبِ فِيهِمَا فَتْحَةٌ آخِرٌ . قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "لَنْ تَدْعُو مِنْ دُونِهِ إِلَيْهَا" .
 وَفِي الْجَزْمِ: لَمْ يَدْعُ وَلَمْ يَرْمِ، وَعَلَامَةُ الْجَزْمِ فِيهِمَا سُقُوطٌ آخِرٌ . قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "أُذْعُ إِلَى سَبِيلِ رَبِّكَ بِالْحِكْمَةِ" . وَقَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "كَانَ لَمْ يَدْعُنَا إِلَى ضُرِّ مَسَّةٍ" .

Фасл

Хар-бир келаси замон феъли борки, охири каби “вов” ёки “йо” бўлса, уни рафъ ҳолатини, охири сукун бўлиши билан, насб ҳолатини, охири фатҳа бўлиши билан, жазм ҳолатини, охирини тушириб юбориш билан аниқлаймиз.

Масалан рафъ ҳолатида: يَدْعُو وَيَرْمِي деймиз. Бу ердаги икки мисолнинг рафъ аломати охири сукун бўлишидир. Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзи бунга далил бўлади. "وَاللَّهُ يَدْعُو إِلَى دَارِ السَّلَامِ"

Насб ҳолатида: لَنْ يَدْعُو، وَلَنْ يَرْمِи. Бу ердаги икки мисолнинг насб аломати, охиридаги фатҳадир. Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзи бунга далил бўлади. "لَنْ تَدْعُو مِنْ دُونِهِ إِلَيْهَا"

Жазм ҳолатида: لَمْ يَدْعُ وَلَمْ يَرْمِ бўлади.

Бу ердаги икки мисолнинг жазм аломати охиридаги иллат ҳарфи батамом тушиб кетишидир. Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзлари бунга далил бўлади. "كَانَ لَمْ يَدْعُنَا إِلَى ضُرِّ مَسَّةٍ" "أُذْعُ إِلَى سَبِيلِ رَبِّكَ بِالْحِكْمَةِ".

فصل

وَكُلُّ فَعْلٍ فِي آخِرِهِ أَلْفٌ مَقْصُورَةٌ هُوَ: يَرْضِى وَيَخْشِى رَفْعٌ وَنَصْبٌ يُسْكُونُ آخِرَهُ وَجَزْمٌ يُسْقُطُ آخِرَهُ. تَقُولُ فِي الرَّفْعِ: هُوَ يَخْشِى وَيَرْضِى، وَعَلَامَةُ الرَّفْعِ فِيهِمَا سُكُونٌ آخِرٌ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: وَلَا يَرْضِى لِعِبَادِهِ الْكُفَّارُ.

وَفِي النَّصْبِ: لَئِنْ يَرْضِى وَلَئِنْ يَخْشِى وَعَلَامَةُ النَّصْبِ فِيهِمَا سُكُونٌ آخِرٌ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "وَلَئِنْ تَرْضِى عَنْكَ الْيَهُودُ وَلَا النَّصَارَى".

وَفِي الْجَزْمِ: لَمْ يَرْضِ وَلَمْ يَخْشِ، وَعَلَامَةُ الْجَزْمِ فِيهِمَا سُقُوطٌ آخِرٌ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: وَلَمْ يَخْشَ إِلَّا اللَّهُ.

Фасл

Хар-бир феълки, охирида каби алифи мақсурा бўлса, унинг рафъ ва насблигини охири сукун бўлиши билан ва жазмлигини охиридаги иллат ҳарфи батамом тушиб кетиши билан билиб оламиз. Масалан рафъ ҳолатида йижши ۋېرپى يېلىنىشади. Бу икки мисолдаги рафъ аломати охири сукун бўлишидир.

Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзлари бунга далил бўлади. وَلَا يَرْضِى لِعِبَادِهِ الْكُفَّرُ.

Насб ҳолатида эса лَئِنْ يَرْضِى وَلَئِنْ يَخْشِى бўлади. Бу икки мисолдаги насб аломат охири сукун бўлишидир. Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзлари бунга далил бўлади. "وَلَئِنْ تَرْضِى عَنْكَ الْيَهُودُ وَلَا النَّصَارَى".

Жазм ҳолатида эса لَمْ يَرْضِ وَلَمْ يَخْشَ бўлади. Бу икки мисолдаги жазм аломати охиридаги иллат ҳарфи батамом тушиб кетишидир. Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзлари бунга далил бўлади. وَلَمْ يَخْشَ إِلَّا اللَّهُ.

الإِعْرَابُ التَّقْدِيرِيُّ فِي الْأَفْعَالِ

الحَالَةُ الْإِعْرَابِيَّةُ ←	مَرْفُوعٌ ←	يَخْشِى (ضَمَّةُ الْمُقْدَرَةِ) ←	يَدْعُو (ضَمَّةُ الْمُقْدَرَةِ)	فِي آخِرِهِ الْأَلْفُ الْمَقْصُورَةُ	فِي آخِرِهِ الْأَيَاءِ
مَنْصُوبٌ ←	مَرْفُوعٌ ←	أَنْ يَخْشِى (فَتْحَةُ الظَّاهِرَةِ) ←	أَنْ يَدْعُو (فَتْحَةُ الظَّاهِرَةِ)	يَخْشِى (ضَمَّةُ الْمُقْدَرَةِ)	يَدْعُو (ضَمَّةُ الْمُقْدَرَةِ)
مَعْزُومٌ ←	مَنْصُوبٌ ←	أَنْ يَرْضِي (فَتْحَةُ الظَّاهِرَةِ)	أَنْ يَدْعُو (فَتْحَةُ الظَّاهِرَةِ)	يَرْضِي (ضَمَّةُ الْمُقْدَرَةِ)	يَرْضِي (ضَمَّةُ الْمُقْدَرَةِ)
مَعْزُومٌ ←	مَعْزُومٌ ←	لَمْ يَخْشَ (حَذْفُ الْأَلْفِ)	لَمْ يَدْعُو (حَذْفُ الْأَلْفِ)	لَمْ يَرْضِي (ضَمَّةُ الْمُقْدَرَةِ)	لَمْ يَرْضِي (ضَمَّةُ الْمُقْدَرَةِ)

فصل

وَكُلُّ اسْمٍ فِي آخِرِهِ يَاءٌ إِذَا انْفَتَحَ مَا قَبْلَ الْيَاءِ لَمْ يُخْتَمِلْ مِنَ الْحُرْكَاتِ كُلُّهَا شَيْئًا كَعَوْلَكَ: هَذَا مَوْلَى وَرَائِثُ مَوْلَى وَمَرْرُثُ مَوْلَى. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "يَوْمٌ لَا يُعْنِي مَوْلَى عَنْ مَوْلَى شَيْئًا" وَإِذَا انْكَسَرَ مَا قَبْلَ الْيَاءِ لَمْ يُخْتَمِلْ مِنَ الْحُرْكَاتِ كُلُّهَا إِلَّا الْفَتْحَةُ. كَعَوْلَكَ: هَذَا قَاضٍ، وَرَائِثُ قَاضِيًّا وَمَرْرُثُ بِقَاضٍ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى فِي الرَّفْعِ: فَاقْضِ مَا أَنْتَ قَاضٍ. وَقَالَ فِي الْحَفْضِ: "وَمَا أَنْتَ بِحَادِي الْعُمَى

عَنْ ضَلَالِهِمْ". وَقَالَ فِي النَّصْبِ: "وَإِنِّي حِفْتُ الْمَوَالِيَ مِنْ وَرَائِي". وَإِذَا سُكِّنَ مَا قَبْلَ الْيَاءِ أُخْتَمَ الْحُرْكَاتُ كُلُّهَا. كَفَولَكَ: هَذَا طَبِيْرِي وَرَأَيْتُ طَبِيْرَا وَمَرْزُ بِطَرِيْ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "حَتَّى يَبْلُغَ الْهُدَى مَحِلَّهُ". وَقَالَ فِي النَّصْبِ: "هُدَى بَالِغُ الْكَعْبَةِ" وَفِي الْمُفْعَضِ: "فَمَا اسْتَيْسَرَ مِنَ الْهُدَى".

Фасл

Хар бир исмки, охири “йо” бўлиб, ундан олдин фатҳа бўлмаса ҳамда ҳаракатлардан бирортасини кўтариш эҳтимоли бўлмаса (бундай исмни “эъроби тақдирий”, деб номланади). Масалан:

الإِعْرَابُ التَّقْدِيرِيُّ فِي الْأَسْمَاءِ

الحالة الإعرابية	المضاف إلى ياء المتكلّم	الممنوع (ياء لازمة)	المقصور (الف لازمة)
مرفوع: ←	جاء صديقني (ضمّة المقدّرة)	المُحَاجِمِيُّ (ضمّة المقدّرة)	الْمُرْتَضِيُّ (ضمّة المقدّرة)
منصوب: ←	رأيُ صدِيقِيْ (فتحة الظاهرة)	المُحَاجِمِيُّ (فتحة الظاهرة)	الْمُرْتَضِيُّ (فتحة المقدّرة)
مجرور: ←	سلَّمَتْ عَلَيْ صَدِيقِيْ (كسنة المقدّرة)	المُحَاجِمِيُّ (كسنة المقدّرة)	الْمُرْتَضِيُّ (كسنة المقدّرة)

بابُ الْمُبْتَدَأِ وَالْخَبَرِ

اعْلَمْ أَنَّ الْمُبْتَدَأَ وَخَبَرُهُ مَرْفُوعَانِ أَبْدًا. كَفَولَكَ: زَيْدٌ قَائِمٌ، رَفَعْتَ زِيدًا لَأَنَّهُ مُبْتَدَأً وَرَفَعْتَ قَائِمًا لَأَنَّهُ خَبَرٌ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى:

الله لطيف بعباده.

وَاعْلَمْ أَنَّ خَبَرَ الْمُبْتَدَأِ يَكُونُ فِي أَرْبَعَةِ أَشْيَاءِ: إِسْمٌ أَوْ فِعْلٌ أَوْ ظَرْفٌ أَوْ جُمْلَةٍ فِيمَا ذُكِرَ الْمُبْتَدَأُ الْأَوَّلُ. أَمَّا إِلِّإِسْمُ فَكَفَولَكَ: زَيْدٌ قَائِمٌ، فَزَيْدٌ مُبْتَدَأٌ وَقَائِمٌ خَبَرُهُ فِي الْإِسْمِ. وَأَمَّا الْفَعْلُ فَكَفَولَكَ: زَيْدٌ قَامَ، زَيْدٌ يَقُومُ. فَزَيْدٌ مُبْتَدَأٌ وَخَبَرُهُ الْفَعْلُ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "وَاللَّهُ يَدْعُو إِلَى دَارِ السَّلَامِ".

وَأَمَّا الظَّرْفُ فَكَفَولَكَ: زَيْدٌ فِي الدَّارِ وَزَيْدٌ عِنْدَكَ. فَزَيْدٌ مُبْتَدَأٌ وَخَبَرُهُ فِي الدَّارِ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "وَاللَّهُ عِنْدَهُ حُسْنُ الْمَآبِ". وَأَمَّا الْجُمْلَةُ فَكَفَولَكَ: زَيْدٌ أَبُوهُ قَائِمٌ. فَزَيْدٌ مُبْتَدَأٌ أَوَّلٌ، وَأَبُوهُ مُبْتَدَأٌ ثَانٍ، وَقَائِمٌ خَبَرُ الْمُبْتَدَأِ الثَّانِي، الْجُمْلَةُ فِي حَكْلِ الرُّفْعِ وَالْمُبْتَدَأُ الثَّانِي مَعَ خَبَرِهِ خَبَرُ الْمُبْتَدَأِ الْأَوَّلِ وَفِيهِ ضَمِيرٌ يَعُودُ إِلَى الْمُبْتَدَأِ الْأَوَّلِ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "أُولَئِكَ هُمُ الْمُثْلِثُونَ". وَإِذَا كَانَ خَبَرُ الْمُبْتَدَأِ إِسْمًا فَهُوَ مَرْفُوعٌ. نَحْوُ: زَيْدٌ قَائِمٌ وَإِذَا كَانَ فِعْلًا أَوْ ظَرْفًا أَوْ جُمْلَةً فَهُوَ عَلَى مَا يَسْتَحِقُهُ مِنَ الْإِعْرَابِ.

Мубтадо ва хабар боби

Билгинки, мубтадо ва хабар доимо марфуъ бўлади. Масалан сўзлашда قайым Зиёд деб айтасан. Бу ерда сўзини рафъ қилдинг, чунки у мубтадодир. Сўзини ҳам рафъ қилдинг, чунки у хабардир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: “الله لطيف بعباده”, деб айтган.

Билгин, мубтадонинг хабари тўрт нарсада бўлади.

1. Исл; 2. Феъл; 3. Зарф; 4. Жумла.

Биринчи зикр қилинадигани мубтадо бўлади.

Энди исмга мисол айтадиган бўлсак, زَيْدٌ فَائِمٌ дир. мубтадо, эса исмдаги хабардир.

Феълга мисол айтадиган бўлсак, زَيْدٌ يَقُومُ дир. Бу ерда زَيْدٌ мубтадо, хабари эса феълдир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: "وَاللَّهُ يَدْعُو إِلَى دَارِ السَّلَامِ" деб айтган.

Зарфга мисол айтадиган бўлсак, زَيْدٌ عِنْدَكَ дир.

Бу ерда زَيْدٌ мубтадо, хабари эса бўлади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: "وَاللَّهُ عِنْدَهُ خَيْرٌ الْعَابِرِ" деб айтган.

Жумлага мисол айтадиган бўлсак, زَيْدٌ أَبُوهُ فَائِمٌ дир.

Бу ерда زَيْدٌ биринчи мубтадо, أَبُوهُ иккинчи мубтадо, فَائِمٌ иккинчи мубтадонинг хабари. Жумла маҳаллан рафъда бўлиб, иккинчи мубтадо хабари билан бирга биринчи мубтадога хабардир. Бу ердаги дамир биринчи мубтадога қайтади.

Аллоҳ Қуръони каримда "أُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ" деб айтган.

Агар мубтадонинг хабари исм бўлса у марфуъ бўлади. каби. Бордию хабар феъл ёки зарф ёки жумла бўлса эъробдан қайси бирига ҳақдор бўлса ўша қўйилади.

باب الفاعل والمفعول به

إِعْلَمُ أَنَّ الْفَاعِلَ رُفِعَ أَبَدًا، وَالْمَفْعُولَ بِهِ نُصِيبَ أَبَدًا. كَفَوْلِكَ: ضَرَبَ زَيْدٌ عَمْرًا، رَعَتْ زَيْدًا لِأَنَّهُ فَاعِلٌ وَنَصَبَتْ عَمْرًا لِأَنَّهُ مَفْعُولٌ بِهِ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "وَقَتَلَ ذَاوُدُ حَالُوتَ". رَعَتْ ذَاوُدًا لِأَنَّهُ فَاعِلٌ، وَنَصَبَتْ حَالُوتَ لِأَنَّهُ مَفْعُولٌ بِهِ.

Фоил ва мафъулум бих боби

Билгин, “фоил” доим рафъ қилинади. “Мафъулум бих” эса, доим насл қилинади.

Масалан: ضَرَبَ زَيْدٌ عَمْرًا каби. Бу ерда زَيْدٌ ни рафъ қилдинг, чунки у “фоил”дир. زَيْدٌ عَمْرًا ни насл қилдинг, чунки у “мафъулум бих”дир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: "وَقَتَلَ ذَاوُدُ حَالُوتَ" деб айтган. Бу ерда ни рафъ қилдинг, чунки у “фоил”дир. حَالُوتَ ни насл қилдинг, чунки у “мафъулум бих”дир.

باب مفعول مالم يسمى فاعله

(نائب الفاعل)

إِذَا ذَكَرْتَ مَفْعُولًا وَمَا يُسَمَّ فَاعِلُهُ رَفِيقَةٌ. كَقُولَكَ: ضُرِبَ زَيْدٌ رَفِعْتَ زَيْدًا لِأَنَّهُ مَفْعُولٌ مَا لَمْ يُسَمَّ فَاعِلٌ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "قُتِلَ الْإِنْسَانُ". وَإِذَا ذَكَرْتَ مَفْعُولَيْنِ وَمَا شُسِّمَ فَاعِلُهُمَا رَفِعْتَ الْأَوَّلَ وَنَصَبْتَ الْثَّانِي. كَقُولَكَ: أُعْطِيَ زَيْدٌ دِرْهَمًا. رَفِعْتَ زَيْدًا لِأَنَّهُ مَفْعُولٌ أَوْلَى مَا لَمْ يُسَمَّ فَاعِلُهُ وَنَصَبْتَ دِرْهَمًا لِأَنَّهُ مَفْعُولٌ ثَانِيًّا. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "خُلِقَ الْإِنْسَانُ ضَعِيفًا".

Фоили номланмаган мафъул боби (Ноиби фоил)

Агар бир мафъулни зикр қilsانгда, унинг фоилини номламасанг, яъни зикр қilmасанг, ўша мафъулни рафъ қиласан.

Масалан: ضُرِبَ زَيْدٌ. Бу ерда зикр қildинг, чунки фоили зикр қилинмаган мафъул, яъни фоилдан ўринбосар “мафъулум бих”дир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: “قُتِلَ الْإِنْسَانُ” деб айтган. Бордию, икки мафъул зикр қilsангда, уни фоилини зикр қilmасанг, аввалги мафъулни марфуъ қиласан, иккинчи мафъулни эса мансуб қиласан.

Масалан: أُعْطِيَ زَيْدٌ دِرْهَمًا. Бу ерда зикр қildинг, чунки у фоили зикр қилинмаган биринчи мафъулдир. Дирхема ни наасб қildинг чунки у иккинчи мафъулдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: ”خُلِقَ الْإِنْسَانُ ضَعِيفًا“ деб айтган.

باب الإضافة

اعْلَمُ أَنَّ الْإِضَافَةَ إِنَّمَا تَقْعُدُ بَيْنَ اسْمَيْنِ إِذَا أَضَافَتْ اسْمًا إِلَيْ أَسْمِيْ آخرَ أَجْرَيْتَ الْأَوَّلَ عَلَى مَا يَسْتَحِقُّهُ مِنَ الْإِعْرَابِ وَخَفَضْتَ الشَّانِيَّ بِإِضَافَةِ كَقُولَكَ: حَاجَيْنِ عَلَامٌ زَيْدٌ. رَفِعْتَ الْعَلَامَ لِأَنَّهُ فَاعِلٌ حَاجَيْنِ وَخَفَضْتَ زَيْدًا لِأَنَّهُ مُضَافٌ إِلَيْهِ. وَرَأَيْتُ عَلَامَ زَيْدٍ. نَصَبْتَ عَلَامًا لِأَنَّهُ مَفْعُولٌ وَخَفَضْتَ زَيْدًا لِأَنَّهُ مُضَافٌ إِلَيْهِ. وَمَرَرْتُ بِعَلَامَ زَيْدٍ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "مَالِكُ يَوْمَ الدِّينِ" وَقَالَ: "فُلُونْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ" وَخَفَضْتَ الشَّانِيَّ لِأَنَّهُ مُضَافٌ إِلَيْهِ.

Изофа боби

Билгинки, “изофа” икки исм орасида ҳосил бўлади. Агар бир исмни бошқа бир исмга изофа қilsанг, яъни бир-бирига қўшсанг, биринчиси бўлмиш “музоф”ни қайси эъробга ҳақдор бўлса ўша эъроб билан белгилайсан. Иккинчиси бўлмиш “музофун илайҳни” мажрур қиласан. Масалан: حَاجَيْنِ عَلَامٌ زَيْدٌ жумласида сўзини рафъ қildинг, чунки у феълининг фоилидир. Сўзини мажрур қildинг, чунки у “музофун илайҳ”дир. Жумласида عَلَامًا وَرَأَيْتُ عَلَامَ زَيْدٍ сўзини наасб қildинг, чунки у “мафъулум бих”дир. Сўзини мажрур қildинг чунки у “музофун

"مَالِكٌ" илайх" дир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: "خَامْ شُوْ كَابِيْدِير. وَمَرْتُ بِعْلَامْ زَيْدٍ" ҳам шу кабидир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: "أَنْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ" әдәб айтган. Бу ерда иккинчисини мажрур қилдинг чунки у музофун илайхдир.

باب الأفعال الناقصة

الَّتِي تَرْفَعُ الْأَسْمَاءَ وَتَنْصِبُ الْأَخْبَارَ وَهِيَ: كَانَ، وَصَارَ، وَظَلَّ، وَبَاتَ، وَأَصْبَحَ، وَأَمْسَى، وَأَضْحَى، وَمَا دَامَ، وَمَا زَالَ، وَمَا بَرَحَ، وَمَا فَتَّى، وَمَا انْفَلَكَ، وَلَيْسَ فَهَذِهِ الْأَفْعَالُ وَمَا اشْتُقَّ مِنْهَا حَوْ: يَكُونُ، وَيَصِيرُ، وَيَظْلِمُ أَيْضًا تَرْفَعُ الْأَسْمَاءَ وَتَنْصِبُ الْأَخْبَارَ. كَقُولَكَ: كَانَ زَيْدٌ قَائِمًا، رَفَعْتَ زَيْدًا لِأَنَّهُ اسْمُ كَانَ وَنَصَبْتَ قَائِمًا لِأَنَّهُ حَبَّرَهُ وَكَذَلِكَ أَخْوَاهُهَا. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "وَكَانَ اللَّهُ عَفُورًا رَحِيمًا".

Ноқис феъллар боби

Ноқис феъллар шундайки, исми (мубтадоси)ни марфуъ, хабарини эса мансуб қилади. Улар:

бўлди	كَانَ
айланди	صَارَ
кун бўйи давом этди	ظَلَّ
тунади	بَاتَ
эрталаб бўлди	أَصْبَحَ
кечкурун бўлди	أَمْسَى
чошгоҳда бўлди	أَضْحَى
модомики	مَا دَامَ
узлуксиз давом этди	مَا زَالَ، وَمَا بَرَحَ، وَمَا فَتَّى، وَمَا انْفَلَكَ
Эмас	لَيْسَ

Ушбу феълларнинг иштиқоқлари яъни, мозий каби музореълари ҳам мубтадосини марфуъ, хабарини мансуб қилади.

Кан зиёд قائما дейилганида марфуъ қилдинг, чунки у нинг исмидир. Насб қилдинг чунки у хабаридир. Шуни сингари буларни ахавотлари ҳам худди кан каби исми (мубтадоси)ни марфуъ, хабарини мансуб қилади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: "وَكَانَ اللَّهُ عَفُورًا رَحِيمًا", әдеб айтган.

بَابُ الْحُرُوفِ الَّتِي تَنْصِبُ الْأَسْمَاءَ وَتَرْفَعُ الْأَخْبَارَ

وَهِيَ سِتَّةُ أَخْرُوفٍ: إِنَّ، وَأَنَّ، وَكَانَ، وَلَيْتَ، وَلَكِنَّ، وَلَعَلَّ. فَهَذِهِ الْحُرُوفُ تَنْصِبُ الْأَسْمَاءَ وَتَرْفَعُ الْأَخْبَارَ. كَفَولِكَ: إِنَّ زَيْدًا قَائِمٌ، نَصَبْتَ زَيْدًا لِأَنَّهُ إِسْمٌ إِنَّ، وَرَفَعْتَ قَائِمًا لِأَنَّهُ خَبْرٌ إِنَّ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "إِنَّ اللَّهَ عَفُورٌ رَّحِيمٌ".

Исми (мубтадоси)ни мансуб, хабарини марфуъ қилувчи ҳарфлар боби

Ундаи ҳарфлар олтидадир.

ҳақиқатда, албатта, чиндан	إِنَّ
-ки, ча, ни	أَنَّ
гүё, худди, каби	كَانَ
кошки, қани эди,	لَيْتَ
лекин, аммо	لَكِنَّ
шояд, балки, эхтимол	لَعَنَّ

Мазкур ҳарфлар исми (мубтадоси)ни мансуб, хабарини марфуъ қилади. Масалан: إِنَّ زَيْدًا قَائِمٌ жумласида сўзини мансуб қилдинг чунки у إِنَّ زَيْدًا قَائِمٌ нинг исми. сўзини рафъ қилдинг, чунки у إِنَّ زَيْدًا قَائِمٌ хабари.

Аллоҳ таоло: إِنَّ اللَّهَ عَفُورٌ رَّحِيمٌ: деб айтган.

بابُ الْحُرُوفِ الَّتِي تَخْفِضُ الْأَسْمَاءَ وَتَرْفَعُ الْأَخْبَارَ

وَهِيَ: مِنْ، وَعَنْ، وَفِي، وَإِلَى، وَعَلَى، وَمَعْ، وَحْتَ، وَعِنْدَ، وَسُوْيَ، وَرِبَّ، وَأُوْ الْقَسِيمِ وَبَاوْهُ، وَتَأْوُهُ، وَاللَّامُ، وَالْكَافُ، وَمُدْ، وَمُنْدُ، وَبَاءُ الرَّاءِدَهُ، وَحَاشَا، وَخَلَأَ، وَعَدَا.

فَهَذِهِ الْحُرُوفُ تَخْفِضُ الْأَسْمَاءَ وَتَرْفَعُ الْأَخْبَارَ إِذَا كَانَتْ لَهَا أَخْبَارٌ كَفَولِكَ: عَلَى زَيْدٍ دَرْهَمٌ. خَفَضْتَ زَيْدًا لِأَنَّهُ إِسْمٌ عَائِي، وَرَفَعْتَ دَرْهَمًا لِأَنَّهُ خَبْرٌ عَلَى. وَإِنْ شِئْتَ قُلْتَ إِنَّهُ خَبْرُ الصِّفَةِ وَإِنْ شِئْتَ قُلْتَ إِنَّهُ مُبْتَدَأٌ فِي التَّقْدِيرِ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "وَعَلَى اللَّهِ قَصْدُ السَّبِيلِ".

Исмини мажрур ва хабарини марфуъ ўқитувчи ҳарфлар

Исмини мажрур ва хабарини марфуъ ўқитувчи ҳарфлар қуидагилардир. (Буларни жор ҳарфлар ҳам деб номланади).

- дан	مِنْ
-дан, хақида	عَنْ

-да, ичида	في
-га	إلى
-да, устида	على
бирга	مع
-гача	حَتَّىٰ
хүзурода	عِنْدَ
ташқарида	سَوْيِ
эхтимол, күпинча	رُبَّ
қасам учун	وَأَوْ القَسْمِ
билин	بِ
қасам учун	تَ
-да бор,ники	لِ
каби	كَ
-дан бери	مُذْ
-дан бери, аввал	مُنْذُ
зоида маъносида	البَاعُ الرَّائِدَةُ
-дан ташқари	خاشا
истисно равишда	خالا
-дан ташқари	عَذَا

Ушбу ҳарфлар исмини мажрур ва агар хабари бўлса хабарини марфуъ қилади. Масалан: **عَلَى زَيْدِ دَرْهَمٍ** каби. Бу ерда мажрур қилинди, чунки жор ҳарфи бўлмиш **عَلَى** дан кейин келгани учун. Агар хоҳласанг уни сифатнинг хабари дейсан. Агар хоҳласанг тақдирдаги мубтадо, дейсан. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **وَعَلَى اللَّهِ قَصْدُ السَّبِيلِ**, деб айтган.

باب الحروف

الَّتِي تَقْعُ مَا بَعْدَهَا مِنَ الْأَسْمَاءِ مُبْتَدًأ بِهِ وَهِيَ إِنَّمَا، وَكَانَمَا، وَلَكِنَّمَا، وَلَعَلَّمَا، وَبَيْنَمَا، وَإِدَمَا، وَلَوْلَا، وَلَوْمَا، وَهَذَا، وَحَبَّدَا، وَبِنْعَم، وَبِسْنَ، وَهَلْ، وَأَيْنَ، وَأَنَّ، وَكَيْفَ، وَمَئَى، وَمَئَيَّ، وَلَكِنِ الْحَقِيقَةُ. فَهَذِهِ الْحُرُوفُ تَقْعُ مَا بَعْدَهَا مِنَ الْأَسْمَاءِ مُبْتَدًأ بِهِ كَفَولَكَ: إِنَّمَا زَيْدُ قَائِمٌ، رَفَعْتَ زِيدًا لِأَنَّهُ مُبْتَدًأ بِهِ وَرَفَعْتَ قَائِمًا لِأَنَّهُ خَبُورٌ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "إِنَّمَا إِلْهَكُمُ اللَّهُ وَاحِدٌ".

Ҳарфлар боби

Күйидаги ҳарфлардан кейинги келган исмлар “мубтадо бих”, деб номланади. Улар:

إِنَّمَا، وَكَائِنًا، وَلَكِنَّمَا، وَلَيْسَمَا، وَعَلَّمَا، إِذْمَا، وَبَيْنَمَا، وَهَذَا، وَلَوْلَا، وَإِذَمَا، وَجَبَدَا، وَنِعْمَ، وَبِسْنَ، وَهَلْنَ، وَأَيْنَ،
وَأَئْنَ، وَكَيْفَ، وَمَتَى، وَمَئَى مَا، وَلَكِنْ.

Ушбу ҳарфлардан кейин келган исмларни “Мубтадо бих”, деб номланади. Масалан: “إِنَّمَا زَيْدُ قَائِمٌ”. Бу ерда рафъ қилдинг, чунки у “мубтадо бих”, дир. قَائِمٌ ни рафъ қилдинг, чунки у хабаридир.

Бу хақда Аллоҳ Қуръони каримда: ”إِنَّمَا إِلَهُكُمْ إِلَهٌ وَاحِدٌ“ деб айтган.

باب الأفعال

اعْلَمُ أَنَّ الْأَفْعَالَ عَلَى أَرْبَعَةِ أُوْجَهٍ: فَعْلٌ مَاضٍ وَهُوَ مَبْنِيٌ عَلَى الْفَتْحِ، كَعُولَكَ: ضَرَبَ، فَتَحَتَّ ضَرَبَ لِأَنَّهُ فَعْلٌ مَاضٍ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "وَضَرَبَ لَنَا مَثَلًا وَسَيِّئَ حَلْقَه" وَفِعْلٌ مُسْتَقْبَلٌ وَهِيَ مَرْفُوعٌ مَا مَمْ يَدْخُلُ عَلَيْهِ حَرْفٌ مِنْ حُرُوفِ النَّصْبِ فَيُنْصَبُهُ أَوْ حَرْفٌ مِنْ حُرُوفِ الْجُزْمِ فَيُجْزِمُهُ، كَعُولَكَ: يَضْرِبُ، رَفَعَتُهُ لِأَنَّهُ فَعْلٌ مُسْتَقْبَلٌ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "وَيَضْرِبُ اللَّهُ الْأَمْثَالَ" وَالْأَمْرُ وَالنَّهْيُ وَهُمَا مَجْرُومَانِ أَبْدَأَ، كَعُولَكَ: إِضْرِبْ وَلَا تَضْرِبْ حَرْمَتْ اضْرِبْ لِأَنَّهُ أَمْرٌ وَحَرْمَتْ لَا تَضْرِبْ لِأَنَّهُ نَهْيٌ قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "وَاضْرِبْ طَهْ مَثَلًا" وَقَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "فَاضْرِبْ بِهِ وَلَا خَنْثَ".

Феъллар боби

Билгинки, феъллар түрт күринища бўлади.

1) Феъли мозий (ўтган замон) – у фатҳага мабний бўлади.

Масалан: ضَرَبَ каби. Бу ерда ضَرَبَ ни фатҳа қилдинг, чунки у феъли мозийдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: ”وَضَرَبَ لَنَا مَثَلًا وَسَيِّئَ حَلْقَه“

2) Феъли музореъ (келаси ва ҳозирги замон) – у марфуъдир, агар насб қилувчи ва жазм қилувчи ҳарфлар олдига кириб қолмаса. Бордию, насб қилувчи ҳарфлар кирса, феъли музореъ насб ўқилади. Агар жазм қилувчи ҳарфлар кирса, феъли музореъ жазм ўқилади.

Масалан: يَضْرِبُ. Сен уни рафъ ўқидинг чунки у музореъ феълидир.

(بالارни насб ва жазм ўқидинг, чунки феъли музореъ олдида насб ўқитувчи ва жазм ўқитувчи ҳарфлар келгани учун). Аллоҳ таоло Қуръони каримда ”وَيَضْرِبُ اللَّهُ الْأَمْثَالَ“, деб айтган.

3-4) Амр ва нахий – бу иккиси доимо мажзум бўлади.

فصل

وَإِذَا تَقْدَمَ الْفَعْلُ عَلَى الْإِسْمِ وَحْدَهُ وَلَمْ يُشَيَّنْ وَلَمْ يُجْمَعْ. وَإِذَا تَأْخَرَ الْفَعْلُ عَنِ الْإِسْمِ يُشَيَّنْ وَيُجْمَعُ كَفَولِكَ: قَامَ أَخْرَوْكَ ثُمَّ قَعَدَأْ. وَحَدَّتْ قَامَ لَأَنَّهُ فَعْلٌ مُقْدَمٌ عَلَى الْإِسْمِ وَنَبَّيَتْ قَعَدَا لَأَنَّهُ مُتَأْخِرٌ عَنِ الْإِسْمِ. وَكَذَلِكَ: جَاءَ قَوْمَكَ فَدَخَلُوا عَلَيْهِ، وَحَدَّتْ جَاءَ لَأَنَّهُ فَعْلٌ مُقْدَمٌ عَلَى الْإِسْمِ، وَجَمِعَتْ فَدَخَلُوا لَأَنَّهُ فَعْلٌ مُتَأْخِرٌ عَنِ الْإِسْمِ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "وَجَاءَ إِنْهُوَ يُوسُفَ فَدَخَلُوا عَلَيْهِ".

Фасл

Агар феъл исмдан олдин келса бирлик ўқиладио, лекин иккиликтен күплик ўқилмайды. Бордио, феъл исмдан кейин келса иккиликтен күплик ўқилаверади. Масалан: قَامَ أَحْوَكَ ثُمَّ قَعَدَا. Бу ерда قَامَ сўзини бирликда ўқидинг, чунки феъл исмдан олдин келган. قَعَدَا феълинин иккиликтен ўқидинг, чунки у исмдан кейин келгандир.

Шунингдек **جاءَ قَوْمٌكَ فَدَخَلُوا عَلَيْهِ** . Бу ерда сўзини бирлиқда ўқидинг, чунки у исмдан олдин келган. **دَخَلُوا** сўзини қўплиқда ўқидинг, чунки у исмдан қейин келган.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: "وَجَاءَ إِخْرَجَةً يُوسُفَ فَدَخَلُوا عَلَيْهِ" деб айтган.

بَابُ الْمَصْدَر

اعْلَمُ أَنَّ الْمَصْدَرَ مَنْصُوبٌ أَبْدًا. كَعْوَلِكَ: ضَرَبَتْ ضَرِبَاتٍ، نَصَبَتْ ضَرِبَاتٍ عَلَى الْمَصْدَرِ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "فَضَرَبَ الرِّقَابِ وَكَدَلِكَ الْحَالُ مَنْصُوبٌ أَبْدًا. كَعْوَلِكَ: جَاءَنِي زِيدٌ رَاكِبًا، نَصَبَتْ رَاكِبًا عَلَى الْحَالِ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "يَدْخُلُونَ فِي دِينِ اللَّهِ أَفْوَاحًا".

Масдар боби

Билгинки, албатта масдар доимо мансубдир.

Масалан: Бу ерда ни масдар бўлгани учун насб қилдинг.

Аллоҳ таоло: "فَضَرِبَ الرَّسُّاقَ" деб айтган.

Шүнингдек “хол” ҳам доимо мансубдир.

Масалан: **Бу ерда ни** “хол” бўлгани учун наслб ўқидинг.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: "يَدْخُلُونَ فِي دِينِ اللّٰهِ أَفْوَاحًا" деб айтган.

باب الحروف

الّتِي تَحْنِمُ الْأَفْعَالَ الْمُسْتَقْبَلَةَ وَهِيَ: لَمْ، وَلَمَّا، وَلَمَ الْأَمْرُ الْعَائِبُ، وَلَا النَّهْيُ. فَهَذِهِ الْحُرُوفُ تَحْنِمُ الْأَفْعَالَ الْمُسْتَقْبَلَةَ.

كَوْلُوك: لَمْ يَنْعَلُ، جَزَمَتْ بِلَمْ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "لَمْ يَتَّخِذْ صَاحِبَةً وَلَا وَلَدًا". وَكَذَلِكَ أَخْوَاتُهَا وَكَذَلِكَ حُرُوفُ الشَّرْطِ وَهِيَ: إِنْ، وَمَنْ، وَمَمْهُما، وَمَمَّا، وَأَنَّ، وَأَيْنَ، وَأَيْمَـا، وَأَيْـمَـا، وَمَتَّ، وَمَتَّـا، وَحَيْثُ، وَحَيْثَـا، وَكَيْفَ، وَكَيْفَـا، وَإِذْمَا، وَإِذْـا مَا. فَهَذِهِ الْحُرُوفُ تَحْنِمُ الْأَفْعَالَ الْمُسْتَقْبَلَةَ وَجَوَاهِئَهَا، إِذَا كَانَ بِعَيْرِ الْفَاءِ فَمَحْزُومٌ. كَوْلُوك: إِنْ ثُكْرِمْـنِي أُكْرِمْـكَ جَزَمَتْ ثُكْرِمْـنِي بِحَرْفِ الشَّرْطِ وَجَزَمَتْ أُكْرِمْـكَ لِأَنَّهُ جَوَابُ الشَّرْطِ بِغَيْرِ الْفَاءِ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "إِنْ ثُقْرِضُوا اللَّهُ قَرْضًا حَسَنًا يُضَاعِفُهُ لَكُمْ" وَعَلَامَةُ الْجُرْمِ فِيهِ سُقطُوا النُّونُ، فَإِذَا دَخَلَتِ الْفَاءُ جَوَاهِئَهَا رَفَعَتْهُـا. كَوْلُوك: إِنْ ثُكْرِمْـنِي فَأُكْرِمْـكَ. رَعَتْ فَأُكْرِمْـكَ لِأَنَّهُ جَوَابُ الشَّرْطِ بِالْفَاءِ. قَالَ اللَّهُ تَعَالَى:

"وَمَنْ عَادَ فَيَنْتَقِمُ اللَّهُ مِنْهُ".

Музореъ феълларини мажзум қиладиган ҳарфлар

Ушбу ҳарфлардан кейин келган музореъ феллар мажзум ўқилади. Улар:

-мади	لَمْ
-ганды	لَمَّا
амр ломи	لَأْمُ الْأَمْرِ الْعَائِبِ
нахий ломи	لَا النَّهْيِ

Бу ҳарфлар келажак замон феълини мажзум қилади. Масалан: بَعْدَمْ يَنْعَلُ. Бу ерда مَ сабабли жазм қилинди.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримда: "لَمْ يَتَّخِذْ صَاحِبَةً وَلَا وَلَدًا" деб айтган. Шунингдек унинг ўхшашлари бўлмиш шарт ҳарфлари ҳам мажзум ўқитади. Улар қуйидаги ҳарфлардир.

агар	إِنْ -
ким	مَنْ -
ним	مَا -
ҳар қачон	مَهْمَا -
-га келганды	أَمَّا -
қаерда	أَنَّ -
қаерда	أَيْنَ -
қаерда бўлмасин	أَيْمَـا -

қайси	— أىٰ
қандай бўлмасин	— إعما
қачон	— مئى
қайси вақтда	— مئى ما
-ган жойда, -диган жойда	— حيْثُ —
қайси ўринда	— حيْثِمَا
нечук	— كيْفَ
қандай	— كيْفِمَا
ўшанда	— إدْمَا
қачонки	— إدَا ما

Мазкур ҳарфлар келажак феъллар ва унинг жавобини мажзум қилади. Шу шарт биланки, уни السَّاءِ سِي بўлмаслиги керак. Масалан: إنْ تُكْرِمْنِي أَكْرِمْكَ бу ерда ни жазм қилдинг шарт ҳарфи сабабли. إنْ تُكْرِمْنِي فَأُكْرِمْكَ ни жазм қилдинг, чунки “фо”сиз жавоби шарт бўлган.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло دеб ايتган. Бу ерда жазм аломати нунни тушиб кетишидир. Бордию жавобига “фо” кириб қолса, уни марфуъ ўқилади. إنْ تُكْرِمْنِي فَأُكْرِمْكَ دеб ايتганинг каби. Бу ерда فَأُكْرِمْكَни марфуъ ўқидинг, чунки у “фо” билан жавоби шарт бўлган.

Аллоҳ таоло бу ҳақда Қуръони каримда: "وَمَنْ عَادَ فَيَنْتَقِمُ اللَّهُ مِنْهُ" دеб ايتган.

بَابُ الْحُرُوفِ الَّتِي تَنْصِبُ الْأَفْعَالَ الْمُسْتَقْبَلَةَ

وَهِيَ: أَنْ، وَلَنْ، وَكَيْ، وَإِذْنْ، وَحَتَّىٰ، وَكِيلَةٌ، وَلَامُ الْجَحْدِ.
فَهَذِهِ الْحُرُوفُ تَنْصِبُ الْأَفْعَالَ الْمُسْتَقْبَلَةَ. كَفَولَكَ: أَخْبَيْتُ أَنْ تَفْعَلَ كَذَا. نَصَبْتُ تَفْعَلَ يَأْنَ.
قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "أَفَتَطْمَمُونَ أَنْ يُؤْمِنُوا لَكُمْ" وَعَلَامَةُ النَّصْبِ فِيهِ سُقُوطُ النُّونِ وَكَذَلِكَ أَخْوَانُهَا.

Музореъ феълларни мансуб ўқитувчи ҳарфлар боби

Феъли музореъни мансуб ўқитувчи ҳарфлар қуидагилардир.

-иш, -моқ	— أَنْ
-майди	— لَنْ
-иш учун	— كَيْ
ундай бўлса	— إِذْنْ

токи, -гунча, - хатто	- حَقِّي
-маслиги учун	- كَيْلَا
-МОҚ	- لَامُ الْحَمْدِ

